ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. **Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 30 кун.**

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи: 282 029 120 (Иккзи юз саксон иккзи миллион йигирма тўққуз минг бир юз йигирма)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, инвестор томонидан маблағ билан таъминлагандан сунг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кузда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор ва авизо тақдим этилганидан сунг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи инвестор томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.
32. Алоҳида масъулиятни конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси»ни ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси» билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмас, у холда ишларни бажариш дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташқари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **5 фоизи** миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,4 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси» нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

65. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

66. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

67. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда конунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

68. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини қафолатлайдилар.

69. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

70. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

71. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

72. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

73. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

74. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

75. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

76. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

77. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим
вазирлиги ҳузуридаги "INFRATUZILMALARNI
RIVOJLANTIRISH BO'YICHA INJINIRING

КОМПАНИЯСИ" Давлат Муассасаси

Манзил: Тошкент ш. Окдарё кўча
122 уй Банк номи: "Ипотекабанк" АТИБ

Меҳнат филиали

Ш.х.в* 100021860262737096525251054

ИНН 306 181 515 ОКЭД 70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ғазначилиги

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази
Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 ИНН 201 122 919

Пудратчи

"ENGINEER-GROUP" МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар Учтепа тумани
Нур кўчаси 15-уй

Тел: 90-323-26-23, 90-174-44-41

х/р 2020 8000 8008 9411 4001

"Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиали

МФО 00423, ИНН 305 615 883 ОКЭД 41202

Б.Гуломов

М.Ў.

(Имзо)

Бош директор

Қ.Хадиев

М.Ў.

Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа конун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси конунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқий маслаҳатчи

«05» 07 2022 й.

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 248-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш (2-босқич) объекти
бўйича ишларни бажариш
КАЛЕНДАР ГРАФИГИ

Минг сўмда

№	Иш турлари ва номи	2022 йил												Иш турлари бўйича умумий қиймати
		III чорак			IV чорак			декабрь	ноябрь	октябрь	сентябрь	август		
		июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь							
1	Ер ишлари	187850,329												187850,329
2	Пойдевор ишлари	205123,498												205123,498
3	Ғишт териш ишлари	4419,864												4419,864
4	Плита монтаж ишлари	9419,864												9419,864
5	Том ёпиш ишлари	57016,990												57016,990
6	ЛОТОК ОРНАТИШ ИШЛАРИ	18194,317												18194,317
7	Пол ишлари	50691,922												50691,922
8	Эшик ва ромлар ўрнатиш	4327,897												4327,897
9	Ташқи пардозлаш ишлари	44198,641												44198,641
10	Истигиш тизими	192348,258												192348,258
11	Сантехника ишлари	81688,823												81688,823
12	Ташқи канализация тармоғи	14700,000												14700,000
13	Ташқи электр тармоғи	15788,768												15788,768
14	Ободонлаштириш ва Бесеткалар	54327,897												54327,897
15	Бошқа иш турлари	0,000												0,000
	Жами	940097,068	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	940097,068

Буюртмачи:



"Инфраузунмани ривожлантириш бўйича илқинириг
компанияси" ДМ Бош мухавлиси

(Signature)
Т. Исқандаров

Пудратчи:



"ENGINEER-GROUP" МЧЖ раҳбари

(Signature)
В.А. Уломоов

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 248-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш (2-босқич) объектини молиялаштириш

Графики

№	Молиялаштириш шартлари	Молиялаштириш даври						Кафолат мuddатидан тугагандан сўнг молиялаштирил адиган 5% маблағ	Хаммаси
		2022 йил							
		Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
1	Аванс 30%	282 029,120						282 029,120	
2	Жорий молиялаштириш (берилган аванс хисобга олинган холда бажарилган ишларни 95% дан кам булмаган миқдорда)	611 063,094						611 063,094	
3	Кафолат мuddати тугагандан сўнг бериладиган 5% охиригу тулов						47 004,853	47 004,853	
	Жами	893 092,215					47 004,853	940 097,068	

Буюртмачи:

“Инфратузилмаши ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДМ директори ўринбосари

Н.Исмаилов

Ўзлагчи:

"ENGINEER-GROUP" МЧЖ раҳбари

Б.Тулмонов



Пудратчи:

«ENGINEER-GROUP» масъулияти чекланган жамияти

Буюртмачи:

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
хузуридаги “INFRATUZILMALARNI RIVOJLANTIRISH BO’YICHA
INJINIRING KOMPANIYASI” Давлат Муассасаси**

Объект:

**Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 248-сонли мактабгача
таълим ташкилотини реконструкция қуриш (2-босқич) объекти буйича
тузилган шартнома юзасидан ҳуқуқий маслаҳатчи томонидан берилган**

ХУЛОСА

Ушбу шартнома (контракт) лойиҳасини амалдаги Уз.Р.ФК 666-685
моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси «Хужалик
юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси
туғрисида»ги Қонунининг 10-13 моддали ва бошқа қонун ҳужжатлари
асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик
ҳужжатларига мос қелишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа булади деб ҳисоблайман.

«ENGINEER-GROUP» МЧЖ

юрidik-маслаҳатчиси

“ 5 ” 07 2022 йил



А.Ҳақимов

"Тасдиқлайман"

"Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДМ директори

Қ.Ҳадиев

2022 йил " 05 " 07

ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РЎЙХАТИ

1-Булим. Қурилишнинг асосий маълумотлари


1.Иншоотнинг номи ва манзили	Олмазор туманидаги 248-сонли МТМни реконструкция қилиш (2-босқич ишлари учун) (235 ўринли қўшимча бино қуриш)				
2.Тармоқ	Мактабгача таълим ташкилотлари				
3. Инвестор	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан				
4. Буюртмачи ташкилот	"Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК				
5. Лойиха институтининг номи	"Ихтисослаштирилган лойиха-изланиш институти" ДУК				
5.1.Лойиха смета ҳужжатлари	Лойиха смета ҳужжатлари ва ишчи чизмалари				
5.2. Экспертиза	№47193 16.06.2022 й				
6.Бош пудратчи ташкилот	ENGINEER-GROUP МЧЖ				
7.Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан				
8.Қурилиш бошланиши ва тугаллаш вақти	2022 йил июль				
Қурилишнинг асосий курсаткичлари	Лойиха бўйича	2022 йил 1 январга қолдиқ			
Қуввати	235	235			
Асосий фонд	964,600	964,600			
Капитал қўйилма	964,600	964,600			
Қурилиш-таъмир ишлари	940,097	940,097			
Буюртмачининг ҳар хил ҳаражатлари	24,503	24,503			
ш.ж Буюртмачининг сақлаш ҳаражатлари	0,000	0,000			
2022 йил феврал ойида тасдиқланган манзилий дастурига асосан	Шартнома нархида (млн сўмда)				
Қуввати	235				
Асосий фонд	964,600				
Капитал қўйилма	940,097				
Қурилиш-монтаж ишлари	24,503				
Буюртмачининг ҳар хил ҳаражатлари	0,000				
2-Булим. 2022 йилда чораклар бўйича режалаштириш	Жорий нархда (млн сум)				
	жами	Шу жумладан чораклар бўйича:			
		2022 йил			
		1	2	3	4
Қуввати	235			235	
Асосий фонд	0,000				
Капитал қўйилма	917,595				
Қурилиш-монтаж ишлари	893,092			893,092	
Буюртмачининг ҳар хил ҳаражатлари	24,503			24,503	
ш.ж Буюртмачининг сақлаш ҳаражатлари	0,000				

"Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДМ директори ўринбосари

Пудратчи
ENGINEER-GROUP МЧЖ раҳбари:



Ш.Исмаилов
Б.Гуломов





SHARQ
SUG'URTA

**ПОЛИС № 01/17-11-000011-001
СТРАХОВАНИЯ СТРОИТЕЛЬНО-МОНТАЖНЫХ РИСКОВ**

АО "SHARQ-SUG'URTA", на основании Лицензии Министерства финансов Республики Узбекистан СФ № 00048 от 25.02.2022г., и Правил страхования по классу 8, 9 и 13 отрасли общего страхования, а также согласно нижеотмеченному Договору страхования предоставляет страховую защиту:

1. СТРАХОВАТЕЛЬ:	ООО «ENGINEER -GROUP»
2. АДРЕС СТРАХОВАТЕЛЯ:	Адрес г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Нур, дом 15
4. ПЕРИОД СТРАХОВАНИЯ:	с 00.00 час «05» июля 2022г. по 24.00 час. «04» октября 2022г.
5. ВАЛЮТА ДОГОВОРА СТРАХОВАНИЯ:	Сум РУз
6. ДОГОВОР СТРАХОВАНИЯ:	№ 01/17-11-000011 от «05» июля 2022г.
7. НАИМЕНОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ:	Реконструкция ОДО №248.
8. МЕСТО РАСПОЛОЖЕНИЕ ОБЪЕКТА (МЕСТО СТРАХОВАНИЯ):	г.Ташкент, Алмазарский р-н., ОДО №248
9. СТРАХОВАЯ СУММА	752 077 654,40 (Семьсот пятьдесят два миллиона семьдесят семь тысяч шестьсот пятьдесят четыре) сум, т.е. 80 % от страховой стоимости
10. БЕЗУСЛОВНАЯ ФРАНШИЗА:	Не применяется
11. ОБЩАЯ СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:	1 504 000,00 (Один миллион пятьсот четыре тысячи) сум.
12. ОПЛАЧЕННАЯ СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:	1 504 000,00 (Один миллион пятьсот четыре тысячи) сум., без учета НДС и Акцизного налога.

Обязательства АО "SHARQ-SUG'URTA", по выплате страхового возмещения вступают в силу с 00.00 час «05» июля 2022г. по 24.00 час. «04» октября 2022г., при условии своевременной оплаты Страхователем страховой премии, в противном случае с даты поступления страховой премии на расчетный счет Страховщика.

За СТРАХОВЩИКА
Генеральный Директор
Нуриддинов Ш.Х.

года (подпись)



Дата выдачи: «05» июля 2022

№0000224



Toshkent shahar G‘aznachiligi bosh boshqarmasi boshlig‘iga

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi Rayosatining 2022 yil 15 martdagi 40-sonli yig‘ilish bayoniga asosan “Infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha injiniring kompaniyasi” davlat muassasasi buyurtmachiligi asosida Toshkent shahar Olmazor tumani hududida joylashgan 248-sonli maktabgacha ta’lim tashkilotini rekonstruksiya qilish belgilangan.

Mazkur ob‘ekt bo‘yicha qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish uchun moliyalashtirish manbasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 22 yanvardagi “2022-2024 yillarda O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-98-sonli qarorining 4-bandiga muvofiq, avval qabul qilingan tegishli qarorlar doirasida kreditlar bo‘yicha asosiy qarz va foiz to‘lovlari Respublika byudjetida davlat qarzigacha xizmat ko‘rsatish uchun rejalashtirilgan mablag‘lar hisobidan qoplanishi belgilangan.


O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 21 avgustdagi PQ-4212-sonli qarorining 1-band «a» kichik bandining to‘rtinchi xatboshida Qoraqalpog‘iston Respublikasi byudjeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy byudjetlari, tumanlar va shaharlar byudjetlari hisobidan amalga oshiriladigan va umumiy qiymati bir shartnoma bo‘yicha bazaviy hisoblash miqdorining 2 500 baravaridan ortiq bo‘lgan davlat xaridlari bo‘yicha tender komissiyalari tarkibiga Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi raisi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimlarining ishlab chiqarishni mahalliyashtirish va sanoatda kooperatsiya aloqalarini kengaytirish masalalari bo‘yicha yordamchilari majburiy tartibda kiritilishi ko‘zda tutilgan.

Joriy yilning 30 iyun kuni O‘zbekiston Respublikasi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi 684-sonli qonunining 57-moddasi, shuningdek, Vazirlar Maxkamasining “Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog‘liq tartib-taomillarni tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi 276-sonli qarorining 2.bob 59-bandi, shu bilan birga, mazkur ob‘ekt markazlashgan manbalar hisobidan moliyalashtirilishini inobatga olgan holda Toshkent shahar hokimining ishlab chiqarishni mahalliyashtirish va sanoatda kooperatsiya aloqalarini kengaytirish masalalari bo‘yicha yordamchisini komissiya a‘zosi sifatida

kiritilmasdan buyurtmachining besh nafar komissiya a'zolari tomonidan tanlov savdolari bo'yicha berilgan takliflarni o'rganib chiqilgan va eng maqbul berilgan taklifni tanlab olingan.


Yuqoridagilarga ko'ra, Davlat dasturi ijrosini qisqa fursatlarda ta'minlash hamda Toshkent shahridagi 3-7 yoshgacha bo'lgan bolalarni maktabgacha ta'lim bilan qamrab olish darajasini yaxshilash maqsadida, (istisno tariqasida) Toshkent shahar hokimining ishlab chiqarishni mahalliy lashtirish va sanoatda kooperatsiya aloqalarini kengaytirish masalalari bo'yicha yordamchini komissiya tarkibiga kiritmagan xolda buyurtmachi tomonidan o'tkazilgan tanlov savdosini inobatga olishingizni va tasdiqlangan pudrat shartnomasini G'aznachilik ro'yxatidan o'tkazib berilishida amaliy yordam berishingizni so'raymiz.

Direktor



Q.Xadiev

Ijrochi: D.Xusanov
97-900-88-22



Қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги ҳақида хабар бериш

Ариза рақами	55617351
Ташкилот	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
Берилган сана	07.07.2022 15:58
Охирги ўзгартириш киритилган сана	07.07.2022 15:58
Ҳолати	Янги
Ҳозирги амал	Принятие на рассмотрение
Текшириш учун пароль	47042

Ариза берувчи ҳақида маълумот (Юридик шахс)

Юридик шахснинг номи	INFRATUZILMANI RIVOJLANTIRISH BO`YICHA INJINIRING KOMPANIYASI
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Муассаса
Юридик шахснинг СТИР	306181515
Юридик манзил	OQDARYO KO`CHASI, 122-UY
МФО	00827
ИФУТ	70220
Юридик шахснинг телефон рақами	+998911920720
Юридик шахснинг электрон почта манзили	injiniring@gmail.com

Объект тўғрисидаги маълумотлар

Кадастровый номер	10:08:06:01:02:0052
Объектнинг номи	Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 248-сонли МТТни реконструкция қилиш (2-босқич ишлари учун)
Тип недвижимости	Нотураар бино ёки иншоот
Вид недвижимости	Нотураар
Объектнинг жойлашуви (индекс, манзил, белги)	Олмазор тумани
Худуд	Тошкент шаҳри
Туман (шаҳар)	Олмазор тумани

Объект мураккаблиги категорияси	2
Қурилиш ишлари тури	Реконструкция
Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашининг протоколининг рақами ва санаси	2019 йил 15 апрельдаги 31-636/А-сонли
Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати: йиғма экспертиза хулосасига асосан (ҚҚСиз, буюртмачининг бошқа ҳаражатлари ва жиҳозларсиз)	826171363
Давлат дастури объектлари учун (ҳукумат қарори, баёни № рақами ва санаси)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси райёсати мажлисининг 2022 йил 15 мартдаги №40 сонли баёни
Давлат экспертиза органининг номи	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК
Давлат экспертиза органининг ижобий хулосаси рақами ва санаси	№47193
Пудратчи ташкилотнинг лицензиясининг рақами ва санаси - айрим лицензияланадиган қурилиш-монтаж ишларини бажаришда	617311 22.06.2018
Экспертиза органларининг саноат хавфсизлиги бўйича ижобий хулосаси рақами ва санаси - хавфли ишлаб чиқариш объектлари учун	талаб этилмайди

Назорат қилувчи органлар ва масъул шахслар ҳақида маълумот

Қурилиш лабораториялар мавжудлиги ҳақидаги ҳужжат	Юклаб олиш
Буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорати тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки шартнома нусхалари	Юклаб олиш
Буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорат мутахассисларининг сертификатлари	Юклаб олиш
Қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажаришнинг тасдиқланган лойиҳалари	Юклаб олиш

Назорат қилувчи органлар ва масъул шахслар ҳақида маълумот

# Ташкилотнинг номи	Масъул шахснинг Ф.И.О.	Паспорт серияси ва рақами
1 Engineer-group MCHJ	Фуломов Бекзод Насрула ўғли	AA5130403

Ташкилотнинг номи**Масъул шахснинг
Ф.И.О.****Паспорт серияси
ва рақами**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
2 хузуридаги "Ихтисослаштирилган лойиха-изланиш
институти" ДУК

Исаев Бобур Бахтиёр
ўғли

AA0217288

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
3 хузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича
инжиниринг компанияси" ДМ

Абилов Нормурод
Тўхтамишевич

AC010430